“Тасдиқлайман”
Ўздавзахира раиси
_____________М. Курбанов

2024 йил “ 23 ” октябрь

# ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ЗАХИРАЛАРИНИ БОШҚАРИШ ҚЎМИТАСИ ТАСАРРУФИДАГИ “МАГНИТ” ДАВЛАТ МУАССАСАСИ ҲУДУДИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА ҚАДОҚЛАНГАН ИЧИМЛИК СУВИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИҲАСИ КОНЦЕПЦИЯСИ

## I. Лойиҳанинг тавсифи

| | |
|---|---|
| Лойиҳанинг номи: | Ўздавзахира тасарруфидаги “Магнит” давлат муассасаси ҳудудида қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқариш |
| Тармоқ номи: | Давлат захираларини бошқариш қўмитаси тизими |
| Лойиҳа тури: | Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда Давлат захирасида доимий равишда сув маҳсулоти сақланишини таъминлаш мақсадида қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқариш |
| Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми | Мавжуд бинога қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатиш, ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш |
| Давлат шериги: | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси |
| Лойиҳа жойлашган жойи: | Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳар |

## II. Дастлабки танлов натижалари

| **ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг** |
|---|
| **Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига (кейинги ўринларда - Ўздавзахира) қарашли “Магнит” давлат муассасаси ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида** қадоқланган **ичимлик суви ишлаб чиқаришни ташкил этиш** кўзда тутилган.<br>Лойиҳага асосан “Магнит” давлат муассасаси ҳудудида қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқариш бўйича хусусий ташаббускор “KRYSTAL WATER” масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланган давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг ташаббуси тақдим этилган.<br>Лойиҳа ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳим ҳисобланиб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг зарур ҳоллардаги тезкор эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган.<br>Хусусий ташаббускор томонидан давлат шериги билан келишилган ҳолда қадоқланган ичимлик сувини ишлаб чиқаради ва Давлат захирасида сақланиши учун маҳсулотни тан нарҳида етказиб беради. Шу билан бирга хусусий ташаббускор сақланаётган сув маҳсулотини битим амал қилгунга қадар янгилаб борилишини таъминлайди.<br>Ташаббус қилинаётган лойиҳани амалга оширишга хусусий ташаббускорнинг молиявий ресурслари мавжудлиги, жамият раҳбарининг лойиҳани амалга ошириш соҳасида тажрибага эга эканлиги ва бугунги кунда мазкур лойиҳа долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишини ҳисобга олиб, мазкур лойиҳани амалга оширишга қарор қилинди. |

## III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

| **Қўшимча маълумотлар** | |
|---|---|
| 1 | Лойиҳанинг ЛБҲ/ТИА/ТИҲК мавжудлиги:<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. |
| 2 | Лойиҳа қуйидагилардан бирига киритилган бўлса:<br>Инвестиция дастури ☐<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ёки қарори/ Вазирлар Маҳкамаси қарори ☐<br>Бошқа ☒<br>Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: |
| 3 | Хусусий шерик лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун зарурати борми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒ |
| 4 | **Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг:**<br>– хусусий шерик томонидан давлат шериги бўлган **Ўздавзахирага қарашли "Магнит" давлат муассасаси ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқаришни** йўлга қўяди. Бунда, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ажратилган бинони талаб доирасида таъмирлаш (пол қисмини лозим даражада бетонлаш, ишлаб чиқариш цехини енгил конструкциядан фойдаланган ҳолда бўлинмаларга бўлиш ва бошқалар). Мазкур ишларга дастлабки ҳисобларга кўра **– 300 млн.сўм** маблағ сарфланади.<br>– Соатига 5760 куб қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ҳамда дастлабки ҳисобга кўра **– 4 450,0 млн.сўмлик** ускуна тўпламини олиб келиш, ўрнатиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳсулотни эркин бозорда сотиш ишлари амалга оширилади;<br>– ишлаб чиқарилган маҳсулот тан нархи давлат шериги ҳамда хусусий шерик ўрталарида тасдиқланган калькуяцияга кўра белгиланади. Ойлик иш ҳақи, мажбурий тўловлар ва коммунал тўловларнинг ўзгариши билан тан нарх ўзгариши мумкин бўлади;<br>– захирага олиш учун мўлжалланган ҳажмдаги маҳсулотни тан нархида етказиб берилиши таъминланади *(йиллик сақланадиган ҳажм давлат шериги томонидан белгиланади. Ҳажм талабдан келиб чиқиб камида 4,0 минг тонна)*;<br>– хусусий шерик Давлат захираси омборига олинган маҳсулотни томонлар ўртасида тузилган битим ўз кучини йўқотгунга қадар доимий равишда сақлаш муддати тугагунига доир янгилаб бориш мажбуриятини олади;<br>– ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг сақланадиган ҳажмидан ортиқ қисми эркин бозорда сотилиши ташкил этилади. Сотишдан тушган фойдани тақсимлаш давлат шериги ҳамда хусусий шерик ўртасида киритилган улушларнинг қийматини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5 | А) Капитал қўйилмалар ва | Б) Эксплуатация | В) Умумий харажатлар |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | бошқа ҳаражатлар суммаси (350,0 минг АҚШ долларида):<br>**4 450 млн.сўм** | ҳаражатлари миқдори<br><br>Хусусий шерик ҳаражати (таъмирлаш ишлари)<br>**300,0 млн.сўм**<br><br>(Давлат шериги ҳаражати)<br>**50,0 млн.сўм**<br>(цехгача бўлган масофада инфратузилма яратиб бериш) | (378,0 минг АҚШ долларида):<br>**4 800,0 млн.сўм** |
| | Г) ДХШнинг амал қилиш муддати:<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 11 йил<br>3-10 ☐ 11-20 ☒ 21-30 ☐ >30 ☐ | Д) Лойиҳанинг амалга ошириш муддати: 6 ой<br>Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг:<br><10 ☐ 10-30 ☐ >30 ☐ | |
| 6 | А) | Лойиҳанинг даромад манбасини келтиринг (белги қўйинг):<br>Фойдаланганлик учун тўлов ☐<br>Эркин фойдаланилиши учун тўлов ☐<br>Сотилган маҳсулотдан тушган фойда келишув асосида тақсимланиши ☒ | |
| | Б) | Фойдаланганлик учун тўлов/ Эркин фойдаланилиши учун тўлов<br>**Фойдаланганлик учун тўлов:**<br>Хусусий шерикга фаолият юритиши учун ажратилган бино, ер майдони солиқлари тўлови ҳамда коммунал тўловлар жорий таърифларга асосан хусусий шерик томонидан амалга оширилади. | |
| | В) | Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:<br>Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☐<br>Қўшимча фойда тақсимоти ☐<br>Бошқа ☒<br>Лойиҳа бўйича давлат шеригининг пул кўринишидаги бирор-бир даромад олиши кўзда тутилмаган. Лойиҳага асосан давлат шеригининг асосий функциясидан келиб чиқиб, давлат захирасида сақланиши керак бўлган энг камида 4,0 минг тонна ичимлик сувини тан нархида харид қилиш *(бунда йиллик ҳажмдан келиб чиқиб камида 1,0-1,5 млрд.сўмгача маблағ тежалиши режалаштирилган)* ҳамда давлат захираси омборларида доимий равишда сифатли сув сақланишига эришиш кўзда тутилган. | |
| 7 | А) | ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:<br>Давлат ташаббускори: ☐<br>Хусусий ташаббускор: ☒ | |
| 8 | | Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг | |

| Хавф ёки хатарлар турлари | Давлат шериги | Умумий | Хусусий шерик | Хатар тақсимоти асоси | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| Лойиҳага тегишли хавф хатарлар | | | ● | | |
| Дизайн ва технологиялар нинг эскириш хавфи | | | ● | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Яширин нуқсон хавфи | | | ● | | |
| | Ер сотиб олиш ва кўчириш билан боғлиқ хатарлар | ● | | | | |
| | Молиявий хатар | | | ● | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган) | | | ● | | |
| | Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган) | | | ● | | |
| | Ишга тушириш билан боғлиқ бўлган хатарлар | | ● | | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритилган ўзгартиришлар (давлат шериги тарафидан) | ● | | | | |
| | Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар | | | ● | | |
| | Солиқ билан боғлиқ хатарлар | | | ● | | |
| | Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар | | | ● | | |
| | Лойиҳа шартномаси тузилганидан кейин лойиҳага киритилган ўзгартиришлар (хусусий шерик тарафидан). | | | ● | | |
| | Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари | ● | | | | |
| | Лицензия гувоҳномалар берилиши кечикиши | | | ● | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши | | | • | | |
| | Сиёсий беқарорлик хатарлари | • | | | | |
| | Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар | | | • | | |
| | Мулк конфискацияси | • | | | | |
| | Операцион хатарлар | | | • | | |
| | Экологик / ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ) | | • | | | |
| | Оператив фаолият билан боғлиқ хатарлар | | • | | | |
| | Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар | | • | | | |
| | Бошқа | | | • | | |

| 9 | Ҳар бир босқич учун тахминий / режалаштирилган санани кўрсатинг: | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Сана | | | Сана |
| | а) | ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш | 2024 йил III–чорак | д) | Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш | 2024 йил IV-I-чорак |
| | б) | Лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш (Масалан: тендер ҳужжатлари) | 2024 йил IV –чорак | е) | Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш | Ғолиб аниқлангандан сўнг |
| | в) | Дастлабки малакани аниқлаш | 2024 йил IV –чорак | ё) | Молиявий якунлаш | Битим кучга киргандан сўнг |
| | г) | Ғолибни саралаш | 2024 йил IV –чорак | | | |

| | |
|---|---|
| 10 | Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ:<br>Ишлаб чиқаришни ташкил этиладиган бинога сув ва оқова сув қувурлари ҳамда электр энергияси олиб кириш учун қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағларидан дастлабги ҳисобга кўра **50,0 млн.сўм** атрофида маблағ ажратилади. |

| | |
|---|---|
| 11 | Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал ҳаражатлар ва бошқа бошқарув харажатлари киради).<br>Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **4 800,0 млн. сўм** миқдорда маблағ сарфланган бўлар эди. |
| 12 | Агар ташаббус кўрсатилган лойиҳа доирасида етказиб бериладиган товарлар (кўрсатиладиган ишлар/хизматлар) нархи давлат бюджетида белгиланган ҳаражатлар сметасидан ошиб кетса, лойиҳани ДХШ механизми асосида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб беринг:<br>*"Магнит" давлат муассасаси ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқаришда инвесторларнинг маблағларини жалб этиш орқали бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш шунингдек, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришни хусусий шерик зиммасига юклатилиши натижасида давлат шериги томонидан бажариладиган функциялар сони камаяди. Давлат захирасида доимий равишда сифатли сув маҳсулоти сақланиши таъминланади.* |
| 13 | Ташаббус қилинган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни / муаммоларни ҳал этишга қаратилганми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>**Иқтисодий самара:** Йилига **4** минг тонна сув маҳсулотини тан нарҳида харид қилиш эвазига ўртача 1,0 – 1,5 млрд.сўм бюджет маблаға иқтисод қилинади. **Ижтимоий самара:** Давлат захирасини доимий тарзда сақланиши лозим бўлган миқдордаги қадоқланган ичимлик суви билан таъминлаш.<br>**Инфратузилмавий самара:** Қадоқланган ичимлик сувини етказиб бериш жараёнида логистика харажатлари тежалади. Ишлаб чиқаришни қўмитанинг сақлаш пунктида ташкил этилиши натижасида транспортировка ҳаражатлари " 0 " га тенг бўлади, бундан ташқари қўмитанинг вилоятлардаги сақлаш пунктларига қадоқланган ичимлик сувини темир йўл орқали етказиш имконининг ҳосил бўлиши сабабли логистика ҳаражатлари тежалади. |
| 14 | Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒ |
| 15 | Ташаббус қилинган лойиҳа инновацион ёндашувни ўз ичига олганми ва тарафлар учун мақбул мутаносиб нафни таъминлаб берадими?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: |
| 16 | Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида автоматлаштирилган электрон ҳисоб-китоблар ва ҳисоботларни жорий этиш назарда тутилганми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: |

<table>
<tr><td>17</td><td colspan="2">Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми?<br>Ҳа ☒ Йўқ ☐<br>Ўздавзахира тасарруфидаги Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳрида жойлашган “Магнит” давлат муассасаси ҳудудидаги бўш турган бинонинг 850 м2 қисми ишлаб чиқариш, шу жумладан тайёр маҳсулотларни сақлаш учун 500 м2 ҳамда 216 м2 очиқ ер майдони сув филтрларини ўрнатиш учун ажратиб берилади.</td></tr>
<tr><td rowspan="2">18</td><td colspan="2">а) Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.<br>Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</td></tr>
<tr><td colspan="2">б) Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми?<br>Ҳа ☐ Йўқ ☒<br>Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг.<br>Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.</td></tr>
<tr><td>19</td><td colspan="2">Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқарида) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳажмларини кўрсатинг:<br>Сув таъминоти объектларини қуриш ☒<br>Газ таъминоти объектларини қуриш ☐<br>Электр таъминоти қурилмаларига уланиш ☒ Кириш йўллари ☐<br>Транспорт боғланиши ☐</td></tr>
<tr><td>20</td><td colspan="2">Манфаатдор томонларни санаб ўтинг:<br>Хусусий шерик – “KRYSTAL WATER” масъулияти чекланган жамияти;<br>Давлат шериги: Ўздавзахира</td></tr>
<tr><td rowspan="6">21</td><td colspan="2">Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.</td></tr>
<tr><td>Масъул этиб тайинланган шахс</td><td>Ўздавзахира</td></tr>
<tr><td>Ф.И.Ш.</td><td>Вохидов Абдуборий Абдураззоқ ўғли</td></tr>
<tr><td>Лавозими:</td><td>1-бошқарма бош мутахассиси</td></tr>
<tr><td>Тел:</td><td>71 238-75-42</td></tr>
<tr><td>Электрон почта манзили:</td><td>1upr@udz.uz</td></tr>
</table>

**“Келишилди”**
Ўздавзахира тасарруфидаги
“Магнит” давлат муассасаси

**Г.А. Холйқулов**

м.ў.

**“Киритилди”**
“KRYSTAL WATER” МЧЖ раҳбари

**А.Х. Ғуломов**

м.ў.